Mas'uliyati Cheklangan Jamiyati shaklidagi "DAVR" auditorlik tashkiloti

2016 йил 28 апрел

«O'zElektroterm» акциядорлик жамияти бош директори Т.Зиятовга

«O'zElektroterm» акциядорлик жамиятининг 2015 йил молиявий хўжалик фаолиятини аудиторлик текширувидан ўтказилганлиги юзасидан ижобий аудиторлик

ХУЛОСА

Буюртмачи манзили: Наманган шахар, 8-март кучаси 17- уй.
Хисоб рақами: 20210000600306579001.
МФО: 00224; "Саноаткурилишбанк" Наманган вилоят булими. СТИР: 200049218.
Аудиторлик ташкилоти: MCHJ shaklidagi "DAVR" auditorlik tashkiloti.
Рўйхатдан ўтганлиги: ЎзР Адлия вазирлиги томонидан 1993 йил 05 ноябр.
Лицензия: ЎзР Молия вазирлиги томонидан 29 ноябр 2010 йил АФ № 00005.
Фаолияти: ЎзРнинг барча хўжалик юритувчи субъектларида аудиторлик текшируви ўтказиш бўйича аудиторлик фаолиятини амалга ошириш хуқуқини берувчи.
Х/Р: 20208000900208423001. ДАТ "АСАКА" Банки Наманган бўлими. МФО:00231.
СТИР: 200050179. ХХТУТ: 84400. Тел: (0-369) 227-05-84.

Мен, Mas'uliyati Cheklangan Jamiyat shaklidagi "DAVR" auditorlik tashkiloti аудитори Х.Мухитдинов Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2008 йил «15» апрелда берилган №04540-сонли малака сертификатига мувофиқ хамда MCHJ «DAVR» АТ билан «O'zElektroterm» акциядорлик жамияти ўртасида 2016 йил 18 апрелда тузилган 1/91-сонли шартномага асосан «O'zElektroterm» акциядорлик жамиятининг 2015 йил молиявий фаолияти хисоботи ва у билан боғлиқ бошқа молиявий хужжатларини аудит текширувидан ўтказдим.

Жамият бухгалтерияси томонидан тақдим этилган, жамиятнинг ташкилий хукукий хужжатлари, бош китоб, асосий воситалар ва материал хисоботлар, дебитор-кредитор карзлар ва иш хаки хисоботлари, ишонч когози китоби, бошлангич бухгалтерия хужжатлари хамда солик органига тақдим этилган молиявий ва солик хисоботларидан фойдалинилди.

Аудиторлик текширувидан ўтказиладиган молиявий хисоботни тайёрланиши ва хаққонийлиги учун «O'zElektroterm» акциядорлик жамияти рахбарияти жавобгар хисобланади. Аудиторлик ташкилоти мазкур хисобот бўйича ўз хулосаси учун жавоб беради.

Аудиторлик текшируви аудиторлик фаолиятининг миллий стандартлари (АФМС)га мувофик ўтказилди. Ушбу андозалар биз фойдаланувчиларга молиявий хисобот жиддий бузилишларига эга эмаслигига етарлича ишонч билан қарашимиз кераклигини тақозо этади.

Аудиторлик текшируви хаққонийликни ва молиявий хисобот хамда бошқа молиявий ахборотларнинг қонун хужжатларига, шунингдек, молиявий хўжалик фаолиятининг хақиқий холатига мувофиқлигини бахолашга асосланади. Биз томонимиздан ўтказилган аудиторлик текшируви фикримизни ифодалаш учун етарли асосга эга деб хисоблаймиз.

Бизнинг фикримизча, «O'zElektroterm» акциядорлик жамиятининг молиявий хисоботи унинг молиявий холатини хаққоний акс эттиради ва мазкур хўжалик юритувчи субъект амалга оширган молиявий ва хўжалик операциялари Ўзбекистон Республикаси «Бухгалтерия хисоби тугрисида»ги қонун хужжатларининг талабларига мувофиқ келади.

MCHJ "DAVR" AT
бош директори: **Ш. Атамирзаев**

Аудитор: **Х. Мухитдинов**